

## Байраминги муборак бўлсин азиз аёллар

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиласиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналаримиз, мунис опа- сингилларимиздир. Шу сабали ҳам 8-мартни айнан Аёлларимиз куни яъни Ҳалқаро хотин-қизлар куни деб, кенг нишонлаймиз. Ушбу байрам бугун нафақат юртимизда, балки дунёning барча бурчакларида жуда кенг нишонланмоқда. Ер ресурсларини бошқариш факультети талаба-ёшлари эрта тонгдан факультет ёшлар иттifoқи ҳам фаол талаба -ёшларимиз, факультет профессор-ўқитувчиларимиз 8 март Ҳалқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан факультетимизнинг барча аёл ва дилбар қизларимизни байрам табриги сифатида кутиб олишди.



Шу билан бирга институтимизни илмий ишлар ва иноватциялар буйича проректоримиз Т.Султонов факультет аёл уқитувчиларни табриклиш учун факультетимизга ташриф буюрдилар ва барча аёлларимизни фаолияти давомида табрикладилар. Чиндан ҳам аёлларимизнинг оилада тутган ўрни бекиёс. Оқила гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар. Улуғ донишмандлар Ватангга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор.



Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам – Онадир. Шунингдек факультетимизда йиллар мобайнида ишлаб, хозирги кунда набиралари қуршовида қариллик гаштини суроётган бир қатор устозларимизни ҳам байрам муносабати билан хонадонларига ташрифлар қилинди. Дарҳақиқат, Онани аёлларни эъзозлаш- бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилиган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни Ватанимизни эъзозлаган бўламиз. Яна бир бор барча аёлларимизни байрамлари билан табриклаймиз.

**ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳуррият Эшова ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**